

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 11 АВГУСТ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 32 (580) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Ишлаб чиқариш

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ КЎПАЯДИ

Пойтахтимиздаги "BF Textile Produktion" хорижий корхонаси фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ; бу ерда шу йилнинг апрель ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. 250 дан ортиқ ишчи-хотимлар меҳнат қилаётган корхона қисқа вақт ичида ўз миқдорларини топа олди.

Корхона мутахассисларининг фикрича, бунда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилди. Натижа эса кўнгилдагидек. Корхона жамоаси ўтган 4 ой ичида 800 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни чет элга экспорт қилишга эришди. Бу умумий маҳсулот ҳажмининг 60 фоизини ташкил қилади. Қолган қисми эса ички бозорда сотилмоқда.

Дарвоқе, асосий миқозлар Россия, Болгария, Италия, Миср, Туркия, Украина ва Қирғизистондаги текстил корхоналари ҳисобланади. Жорий йил нихоясида экспорт ҳажмини 80 фоизга чиқариш режалаштирилмоқда.

Корхонада айни пайтда 46 та тўқиш ва 22 та бўяш дастгоҳлари мавжуд. Аммо бу ишлаб чиқариш ҳажмини



тобора ошириб бораётган корхона учун етарли, деб бўлмайди. Шу мақсадда сўнгги икки ой ичида кўшимча 100 та дастгоҳ ўрнатиш режалаштирилган. Бу эса кунлик маҳсулот ҳажмини 10 тоннадан 25 тоннагача кўтариш имконини беради.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.
Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Фаолият

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОР — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Республикамизда ишлаб чиқаришга хорижий инвестицияни жалб этиш, қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг эркин иш юритиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилган. Масалан, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги ҳамда "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан бирга республикага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмининг барпо этиш ва шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида 2003 йил 2 майда "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорини айтиб ўтиш жоиз.

Маъмур қарор билан Адлия вазирлиги зиммасига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши таъминлаш вазифаси юклатиб, қатор қўшимча ҳуқуқлар ҳам берилди. Шундан сўнг вазирликда бошқарма, вилоят адлия бошқармаларида эса ҳудудий бўлимлар ташкил этилди.

Вилоят Адлия бошқармасининг Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши таъминлаш виллоятимизда иш олиб бораётган чет эллик тадбиркорлар ҳамда қўшма корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида мониторинглар ўтказиб келинмоқда. Шунга қўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан судларга даъво аризалари, назорат қилувчи органлар томонидан йўл қўйилган қамчиликларни бартараф этиш тўғрисида ба-

жарилиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида вилоят ҳўжалик ва фуқаролик судларига 1 миллиард 343 миллион 540 минг сўмлик 112 та даъво аризаси тақдим этилди. Урганишлар натижасида маълум бўлдики, назорат қилувчи органлар томонидан 89 та ҳолатда қонунбузарликка йўл қўйилган. Юқоридagi ҳолатлар бўйича тегишли идораларга жами 14 та тақдирнома киритилди. Шундан 11 тасининг ижроси таъминланди, 3 та тақдирноманинг ижро муддатлари ҳали тугамаган. Қолаверса, тақдирномаларга асосан 51 нафар мансабдор шахс интизомий, бир нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. 4 та қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси тўхтатилди ёки бекор қилинди.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан назорат қилувчи органларда қўшма корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши қарантилган қонун ҳужжатлари ижроси ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, вилоят ИИБ Давлат ёнгин хавфсизлик назорат бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига зид равишда, давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳужжат, яъни 1975 йили тасдиқланган Низомдан фойдаланиб келинаётган лиги маълум бўлди. Ушбу масалани батафсил ўрганиб чиқиш ва қонун доирасида чора қўриш мақсадида Республика Адлия вазирлигига хат юборилди.

Худди шунингдек, Андижон шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасида ҳам давлат рўйхатидан ўтказилмаган учта ҳужжат асосида иш юритилаётганлиги аниқланди. Бу борада ҳам Адлия вазирлигига мурожаат қилинди ҳамда Республика табиати муҳофазаси қилиш қўмитасига тегишли чора қўриш тўғрисида тақдирнома киритилди.

Музаффар РАМАЗОНОВ,
Адлия вилоят Адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Ислохот одимлари

ОЗОД ЭЛНИНГ ОБОД МАСКАНИ

Зангиота туманида саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида дадил ривожланиш одимлари кўзга ташланмоқда. Пойтахтимиз, қолаверса, вилоятнинг ийрик шаҳарлари аҳолисини қишин-ёзин сара мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган ҳудудда нафақат хомашё етиштириш, балки қайта ишлаш, замонавий талаблар даражасида қадоклаш, харидорларга етказиб бериш борасида ҳам ибратомуз ишлар қилинмоқда.

Бундан ўн беш йил муқаддам туман маркази — «Эшонгузар» кўргони ҳамда унинг ён-атрофидаги қишлоқларда пасткам-пасткам бинолар, уйлар, маиший хизмат кўрсатиш ўчоқлари бўларди. Аввалига бир қаватли кўркам иншоотлар қад кўтарди. Сўнг икки, тўрт, беш қаватли бинолар. Одамлар хайрат ва қувонч билан таъқидлаётганларидек: «Инсон ақл-идроки нималарга қодир эмас. Туман ўз тарихини ўзи яратаяпти».

Тумандаги «Иттифок» ширкат ҳўжалиги бугун, айниқса катта қурилишлар майдонида айланган. Ўтган йили «Дамачи» ширкат ҳўжалиги билан чегарадош ҳудудда 300 ўринли янги мактаб биноси ҳашар йўли билан қурилган, 3-ўрта мактаб биноси, 120 ўринли болалар



боғчаси мукамал таъмирланган эди. Бугун эса ҳўжаликнинг «Туробод» маҳалласи ҳудудида 320 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси барпо этилмоқда. Мактаб қурилишига маҳаллий бюджет ҳисобидан 256 миллион сўмлик маблаг ажратилган бўлса, қолган қисми

ҳўжалик ҳиссасига тўғри келмоқда. Дарвоқе, ҳўжаликда салкам 2 километр масофада газ қувурлари тортилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида ишга тушади.



— Ҳўжалигимиз марказида «Шодлик» маҳалла гузарии барпо қилинган бўлиб, унда 500 ўринга мўлжалланган тўйхона, озиқ-овқат дўкони, ошхона, дорихона, сарта-рошхона каби маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари аҳолига хизмат қилмоқда, — дейди «Иттифок» ширкат ҳўжалиги раиси бурхонжон Мадалиев. — Бундан ташқари, бу ерда компьютер, интернет хизматидан фойдаланувчилар учун ҳам шароитлар бор. Шунингдек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик маскани ҳамда шовишнинг тез тиббий ёрдам хизматидан ҳам ҳўжалигимиз ахли бахраманд бўлмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишларининг барчаси истиқлол шарофати, албатта. Одамлар эҳди боқимандалик қайфиятидан узоклашяпти. Ўзлари ташаббус кўрсатишга одатланишяпти. Демак, бу хайрли ишлар эл-юрт манфаатини кўзлаб қилинмоқда. Шундай ҳол, бу саъй-ҳаракатлар овоз ва обод Ватанимиз равнақида ҳисса бўлиб қўшилаверади.

С. ТўХТАМУРДОВ

Партия кўзгуси

АЁЛ ОИЛАДА ВА ЖАМИЯТДА

ўз ўрнини топса соғлом турмуш тарзи шаклланади, дейишмоқда Жомбой туман Кенгаши фаоллари

Бугун хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, ҳар бир оилада, маҳаллада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш «Адолат» СДП Жомбой туман Кенгаши фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ҳокимлик, бошқарув идоралари ҳамда турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинаётгани талайгина ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Яқинда туманинг Аҳмаджон Қурбонов маҳалласида ўтказилган тадбир партия Кенгашининг бу борадаги фаолияти нечоғлик изчил ва самарали бўлаётганини кўрсатди. Туман ҳокимлиги, маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш Кенгаши ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган «Замонамиз аёли»

қўрик-танлови катта тарбиявий аҳамият касб этди.

Шу кунги туман маҳаллаларидан ташриф буюрган турли касбдаги юздан зиёд хотин-қиз қўрик-танлов шартларини уйдлаш учун ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Хусусан, «Бозор иқтисодиёти: бизнес ва тадбиркорлик», «Халқ таъботи — саломатлик малҳами», «Оилада аёлнинг ўрни», «Сиз сиёсат билан қизикасизми?» деб номланган мавзулардаги савол-жавоблар кўпчиликини бефарқ қолдирмади. Миллий санъат, мусика, рақс соҳасидаги танлов шарти ҳам беллашувга ажойиб завқ бағишлади.

Танловнинг барча шартларини аъло даражада уйдлаган «Тошкент» маҳалласида яшовчи Адолат Раззокова биринчи, «Самарқанд» маҳалласидан Гулистон Жуманова иккин-

чи ва Аҳмаджон Қурбонов маҳалласи вакили Меҳрибон Абдуллаева учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга «Адолат» СДП туман Кенгаши ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

— Маҳаллаларда ўтказилаётган бу каби тадбирлар бизни халққа янада яқинлаштирмоқда, — дейди туман партия Кенгашининг биринчи котиби Гулбаҳор Муқаддасова. — Муҳими, биз ўз дастурий гоғларимизни қайси йўналишда давом эттириш, қилар билан ҳамкорлик қилиш лозимлигини аниқлаб оляимиз. Бугун 50 дан ортиқ маҳаллада бошланғич партия ташкилоти тўзиб олганмиз ва улар одамлар билан ҳар кунги юзма-юз мулоқотда бўлишяётгани ҳам ана шу изланишлар самарасидир.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Истиқлол — менинг онгимда, шуурумда



МУСТАҚИЛЛИК БАХШ ЭТГАН ТАҚДИР

Мустақилликнинг илк йили эди. «Маърифат» рўзномасида «Йил ўқитувчиси» Республика қўрик-танлови бўлиб ўтгани ва унда ғолиб чиққан ўқитувчи ҳақидаги мақолани ўқиб, жуда хайратлангандим. Хатто: «Шундай танловлар бўлаётган экан, беҳабар қўлибмиз-да» деб армон қилганим ҳали-ҳали ёдимда.

Тақдирнинг ҳуқидан ўргилай, ордан тўрт йил ўтиб, мен, Хоразмининг олис бир қишлоғидан чиққан ўқитувчи Республика «Йил ўқитувчиси» қўрик-танловининг мутлоқ ғолиби бўлдим! Бу мени қутиб турган қамолот пиллаполярига остана бўлди, десам хато эмас. Истиқлолгача бўлган замонларда кишининг раҳбарлик вазифасига қўйилиш тафсилоти қандай бўлгани кўпчиликка аён. Меники эса жуда оддий: агар Мустақиллик бўлмаганида, оддий қишлоқ ўқитувчиси ўз синфхонасидан тўғри вилоятнинг нуфўзли бир ташкилотига раҳбар қилиб қўйишар-миди?

Мустақилликнинг тақдиримдаги яна бир чизгиси: 1993 йили илк китобим чоп этилди. Истиқлол қайси бир инсонда истеъдод учкун бўлса, уни эл назарига олиб чиқишдек буюк имкониятдан барча иход ахли сингари мени ҳам баҳраманд этди!

Толемига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлиш, мамлакатимизнинг энг улуғ минбаридан туриб сўз айтиш ёзилганини ўйласам, ҳали-ҳануз кўзларимдан шукроналик ёшлари қўйилади.

Ватанимизнинг олий мукофоти — «Эл-юрт ҳўрмати» орденини шаҳсан Юртобшимизнинг ўз қўлларидан олиш насиб этгани — умрим давомида бошимдан кечирган энг олий сарфатимдир!

Менинг тақдирим — мустақиллик бахш этган тақдир!

Мустақиллик — бу сўзимнинг беэти эмас, балки ич-ичимдан силқиб, юрагимни орзқитириб келувчи муқаддас шукронам.

Бизга ато этилган жаннатмакон заминимизда ўн бешинчи бора нишонланмак кўтлуг сана арафасида кўплар кўп ва ҳўп таъриф-таъсифларга чоғланиши табиий. Мен эса биргина хотира билан чекланмоқчиман. Уйимиз олдида қорвачиллик фермаси бор эди. Истиқлолдан олдин шу фермада ижарачилар ва қўшни аёллар маҳаллий ҳокимлик вакилларига ҳўжалик совуни йўқлигидан шикоят қилишганди. Айтмоқчи бўлганим, Истиқлолнинг дастлабки кунларида аҳолига оддий гўгурт чўпю ҳўжалик совунини қандай етказиб бериш масаласи кўндаланг турган эди-ку!

Бугунга келиб асов Амударё устига 36 миллиард сўмлик муҳташам қўрик қурилиб, улкан бир маъмурий ҳудуднинг иқтисодиётига дахлдор катта муаммолар ечимига етиб келганимиз — чинакам тараққиётнинг нишониси эмасми?

Яширмайман, ҳар гал Ўзбекистон мадҳиясини тинглаганимда бугунги алланима тикилгандек бўлади! Ҳар

гал гўзал Урганчининг қўқ ўртасидан кесиб ўтувчи Шовот каналининг кўприги устида туриб атрофга назар ташласам, юрагим кенгайиб кетгандек, кўлим осмонга етгандек туюлади. Ўзбекистондаги энг баланд хайкал — Жалолиддин Мангуберди пойига гуллар қўяётган ёш келин-қувларни, «Авесто» мажмуаси саҳнасида Ватан мадҳини айраб қўйлаётгани шўҳ-шодон фарзандларимизнинг қиқилларини кўрганимда кўзимга ёш келади. Ахир, бу бунёдкорликлар кимгадир кўз-кўз қилиш учун эмас, балки ўғил-қизларимизнинг кўзлари тўқ, руҳлари баланд бўлиб ўссин деб қилинган хайрли янгилашлар эмасми?

Энг кўпроқ оддий ўзбек аёли бўлиб, Истиқлол тудайли тақдиримда кўрганим — эъзоз эътирофга муносиб бўлиш маъсулиятини ўйлаш. Юрагимдан ўзилган фарзандларимнинг кўнглида ўсаётган Ватан дарахтини парвариш қилиш, уни меҳр суви ила қондириб, сардоқат мевадарини етиштириш менинг оналик бурчиди!

Оллоҳ умр бериб, тилимда сўз айтмоқ мадори бор экан, маполи денгиз узра бир кўпикдек ўчиб кетувчи, жароҳати дилларда қолувчи синовли кўнларнинг хотираси учун ҳўш шу азиз юртини асраб-авайлашга ватандошларимнинг ҳар нафасида чорлаб ўтиш — аъмолимдир!

Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА,
«Маънавият ва маърифат»
маркази Хоразм вилоят бўлими раҳбари, шоира

ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

✓ Жанубий Кореянинг Гумсан шаҳрида оғир атлетика бўйича 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида терма жамоа мураббийси Шахрулло Махмудов шоғирларидан икки нафари мусобақа ғолиблигини қўлга киритди. Иккитадан олтин, қумуш ва бронза медалларини қўлга киритган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

✓ Навоий вилоят марказидаги «Бунёдкор» кўргонида қалава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бахтестил» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда ил охиригача пахта хомашисидан 7 минг 500 тонна қалава ип ишлаб чиқариш режалаштирилган. Корхона 400 иш ўрнига эга бўлиб, ҳозиргача юздан зиёд йигит-қиз ишга қабул қилинди. Қўшма корхона тўла қувват билан ишлаш бошлади, йилига 12 минг тоннагача қалава ип ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

✓ Пойтахтимиздаги ўзбек-япон инсон заҳираларини ривожлантириш марказида Ўзбекистонда таълим тизимини юксалтириш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш борасида бегарз ёрдам дастури бўйича 3 та грант шартномаси имзоланган.

✓ Санкт-Петербург шаҳрида армрестлинг (қўл қураши) бўйича жаҳон кубогининг иккинчи саралаш босқичи яқунланди. Ҳамюртларимиздан Жасур Алиқабиров иккита, Дмитрий Дочкаев ва Фарход Худоев бигитдан олтин, Алишер Худоев ва Жамшид Усмонов бигитдан қумуш медални қўлга киритишди. Элидот Усмонов эса учинчи ўринни эгаллади. Спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

✓ Жорий йилнинг 10-12 август кунлари пойтахтимиздаги «Ле гранд Плаза» меҳмонхонасида «Тўй

тантаналари-2006» деб номланган иккинчи куз мавсуми кўргазмаси бўлиб ўтди.

✓ Япония пойтахтида «Мегуро Риверсайд» фестивали бўлиб ўтди. Анъанавий тарзда ўтказилувчи тадбир халқ дипломатиясининг ёрқин намунаси бўлиб, турли халқлар ўртасидаги дустлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорлик таъминларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Фестивал давомида мингга яқин янгиликлар кўргазмага қўйилган ўзбек халқ амалии санъати, қўлоқчилли ва иппак маҳсулотлари намуналаридан баҳраманд бўлишди.

✓ Наманганда «Энг улуг, энг азиз» қўрик-танлови қўнланди. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар хайрат аъзолари томонидан баҳоланиб, энг яхши асарларнинг муаллифлари ғолиб деб топилди.

✓ «Навқирон Ўзбекистон» замонавий ва аънавий санъат фестивалига ҳужжат қабул қилиш жарёни нийоясига етди. Ёслатиб ўтамиз, унда замонавий санъат, миллий ҳунармандчилик ва таъсирий санъат йўналишида ишлаб келаётган 35 ёшгача бўлган истеъдод соҳиблари иштирок этмоқда. Фестивал 15 август кунини Марказий кўргазмалар залида очилади.

Ушбу сонда:

ЛАҲЗА ҒОФИЛ БЎЛГОННИ
ОРИФ ОШИҚ БИЛМАСЛАР

ИМКОНИЯТ
ВА ИСТИҚБОЛ

ИЛЛАТ ВА ИБРАТ

МОЗИЙ БИСОТИ

ТАҲЛИЛ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ИПОТЕКА BANK

“Ipoteka-bank”
aksiyadorlik tijorat
ipoteka banki

QULAY VA FOYDALI XIZMAT



Тадбир

ИЗЛАГАН ИМҚОН ТОПАДИ

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида минтақавий оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш муаммо ва истиқболлиги бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов бошқарган семинарда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишда оммавий ахборот воситаларининг катта ҳиссаси борлиги таъкидланди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва янгилаш фаолиятини янада либераллаштириш, мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар ушамарасини бермоқда.

Семинарда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги оммавий ахборот воситалари фаолияти атрофида таҳлил этилди. Пойтахтимиз ва вилоятда 104 номдаги газета ва журнал руҳхатдан ўтган.

Уларнинг аксариятини ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни изчил баҳариб келаятган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий мавзудаги нашрлар ташкил этади. Айни пайтда матбуотда чоп этилаётган, телевидение ва радиода эфирга узатилаётган барча материалларнинг сифат ва савиясини бир хил, деб бўлмайди.

Газеталарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, обунасини ташкил қилиш, сотиш ва тарқатиш, журналист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар йўқ эмас. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Ж.Ҳакимовнинг таъкидлашича, мулқчилик шаклидан қатъи назар барча оммавий ахборот воситаларининг мавжуд муаммоларини ҳамжиҳатликда ҳал этиш учун юртимизда тегишли шароит ва имкониятлар мавжуд. Журналистлар малакасини ошириш, газета ва журналларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида қатор жамғармалар томонидан ташкил этилаётган семинарлар, грант-лоялиҳалар бунинг ёрдамида амалга оширилади.

Семинарда минтақавий оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг истиқболдаги режалари белгилан олди.

Банк

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ —
ФЕРМЕРГАЮсуф АШУРОВ,
АТБ «Пахта банк» Янги Ўшнинг
бўлими бошқарувчиси

Деҳқон бий юртининг халқи фарвон турмуш кечиради. Шу боис ҳам мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида кейинги йилларда кенг қўлланчилохотлар амалга таътиб этилмоқда. Айниқса, фермерлик ҳарақати кенг қўлчан ёйиб бораётир. Республикадаги турли банклар томонидан замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва эътиёт қисмлари, чорвачилик ҳамда сўғориш ускуналари сотиб олишга йўналтирилган имтиёзли кредитларнинг фермерлар учун ажратилишини мазкур ишлохотнинг амалий босқичи сифатида эътироф этиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 февралдаги қарорига асосан республикадаги бешта туманда қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблағидан кредит берилиши белгиланган эди. Ушбу йўналишда туманимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ҳозирги пайтга қадар туманимизда 50 та фермер ҳўжалигига турли русумдаги 50 та трактор олиш учун кредит маблағлари ажратилди. Шу билан бирга 11 та муқобил машина-трактор парки ҳам 39 техника воситаси харид қилиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимиз галлакорлари бу йил ҳам самарали меҳнат қилишиб,

белгиланган режани ўз вақтида аъло даражада урдалашди. Бундай ютқини қўлга қиритишда, шўбҳасиз, галла етилтириш билан шугулланувчи фермер ҳўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда жорий йилда 700 га яқин фермер ҳўжаликлари га галла етилтириш учун 235 миллион 860 минг минг сўмлик имтиёзли кредит маблағларини ажратди. Бу маблағлар асосан ёқилги-мойлаш, МТП хизматлари, иш ҳақи, минерал ўғит ҳамда галла етилтириш билан боғлиқ бошқа харажатларга сарфланди.

Сўнгги пайтларда жойларда қўллаб-қувватлаш фаолияти юритмоқда. Бу эса Банк миқозларига қатор қўлайликлар яратаятир, албатта. Бизнинг бўлимишда ҳам айни вақтда 11 та мини банк иш юритмоқда. Шулардан 10 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан ташкил этилган бўлса, биттаси эса ўз ташаббусимиз билан ташкил этилди. Ушбу мини банкларишда миқозларга талаб даражасида хизмат қўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунинг натижасида чекка-чекка ҳудудларда ҳам миқозларимиз сонин ортди, муҳимини янги иш ўринлари яратилди. Масалан, шу йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан миқозларимиз 64 тага кўпайди. Қолаверса, банка фуқаролардан жалб қилинган омонат маблағлари ҳам сезиларли миқдорда ошиб бораётипти.

Мозий бисоти

ЛАҲЗА ҒОФИЛ БЎЛГОННИ
ОРИФ ОШИҚ БИЛМАСЛАР

Азим Хожя Эшоннинг ижтимоий адолатга оид қарашлари

Сайфилдин САЙФУЛЛОХ,
филология фанлари номзоди

Азимхожа Эшон Аҳмад Яссавийнинг энг кўзга кўринган издошларидан бўлиб, ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. У тахминан 1770 йили туғилиб, 1847 йили вафот этган. Шoir ҳикматларининг бирида «бандалик шартин», яъни чин маънодаги инсонийлик такаббурликдан ва манманликдан йироқ бўлиб, инсон Яратувчи зот олдида ўзининг «охилик» ва «синик»лигини изҳор қилиши ҳамда «олам сўлтони» бўлса ҳам «ҳаргиз улуглик» даъво қилмаслигини таъкидлайди. Зеро, «нафс кўзини ўймасдан» қилинган ҳар қандай даъво пучдир.

*Нафсини айласа ҳалок, ўлмайин этса ўзини ҳок,
Фарқ ила топса жонини пок, ботилиб худнома эмас.*

Шoirнинг таъкидлашича, нафсига қўл қилинган дуо-си қабул, ибодати мақбул бўлмайди. Шoir бу маънони ҳаётини тасмил асосида ифода қилади:

*Ит тиш тегса этогинга, намозинг манъ этар,
Бу намозиндур нечук, ола яқодин нафси сар.*

Азимхожа Эшон ҳикматларида, бошқа шoirлардан айрича, «илим», «ҳикмат» ва «таъвуд» тушунчаларига алоҳида эътибор берилди. Унингча, бу уч тушунча «камол одамийлик нишонаси» бўлиб, қимда мужассам бўлса, уни «тожи сар», яъни бошига тож қилиши керак. Тарикат йўлига қадам қўйган муридга хос ижобий ҳислат ва хусусиятлар қаторида адабнинг ҳам ўрни бор. Шайх Абу Ҳафз: «Тақво ва парҳезкорлик ҳалол емақдин бўлур. Тасаввуфнинг барчаси одобдур», - деган. Одоб — адабнинг қўлғичи. «Адаб» сўзи кўпинча «тақво» сўзи билан бирга келиб, байтади маънонинг изчиллигини таъминлаган:

*Мискин Азим, таабалик қўл тақво қилур,
Тақволини иши татом адаб бўлур.*

*Адаблик қўл, ўз айбига инсоф қилур,
Қани санда таваб-тақво, қани инсоф.*

Шoir ҳаётда инсонни бағрикенг, кечиримли бўлишга, одамларга шайфат назари билан боқишга қарайди. Зотан, ҳақдорлар ҳам «бермаганга бер, зулм этганин кечир, алоқа узган билан боғлан», деб даъват этилади. Шoir ҳикматларида ҳақдорларга амал қилиб яшашга ишора қилади:

*Кимки душман бўлди, дўст ўлдирмисиз тоғмоқ учун,
Кимки узди ўзини мандин, ман аниёе пайвандиман.*

Поклик, яъни ҳаром, шўбҳали татомдан ҳазар қилиб, ҳалол лўқма ейиш улуг фарзлардан биридир. Ҳалол лўқма ейишда ҳикмат кўп. Шайхлардан бирида ўқиймиз:

*Ҳаром шўбҳа таомини чин тойдилар татмаслар,
Ҳалол тийиб лўқмани қадлат билга ютмаслар,
Шариатни билмайин, тариқатни қилмайин,
Мухлис-мурид бўлмайин, муршидликка етмаслар.*

Жиноят ва жазо

КИССАГАМАС КАССАГА ТУШДИ

Тўлқин ТЕМИРОВ,
«Адолат» мухбири

Хукукий демократик давлатнинг бош талаби, қонунни ҳурмат қилиш ва қонун талаблари асосида яшашдир. Қонун талабига бўйсинамаган, ҳурмат қилмаган фуқаролар эса, албатта, қонун олдида жавоб беради. Мақоламиз қаҳрамони 1963 йилда тутилган термизлик Қодир Ортиқов, икки фарзанднинг отаси. Лекин шу ёшга қадар тайинли бир ишнинг бошидан тутмаган. Шунинг учун ҳам ҳали у ерда, ҳали бу ерда ишлаб, уч-тўрт танга тоғди.

Қ.Ортиқовнинг чўнтағида турли жойларда ишлаб тоғган турт-беш доллар ортиқча пули борлигидан хабар тоғган Ф.Усаров унга долларни ноқонуний йўл билан сотиб, бойлик орттириши тақлиф қилди. Бу ўринда у харидор тоғлиши ҳам ўз зиммасига олди. Шундай қилиб икки ширк ўзаро жиноий тил бириктириб, 900 АҚШ долларини 1035.000 сўмга сотиш ҳаракатига тушиб қолишди. Буни


қарангки, харидор ҳам дарров тоғила қолди. Шундай қилиб, Қ.Ортиқов ўзаро келишувга биноан 900 АҚШ долларини 2006 йил 17 январ кунин Термиз шаҳридаги «Юбилей» бозорини ҳудудда жойлашган «Жозоба» дўканига олиб келадиган, харидор Клара Қурбонова уни 1035.000 сўмга сотиб оладиган бўлди. Лекин қонуний савдо амалга ошмади. Чунки ишга ИИБ ходимлари аралашиб, қонунга ҳилоф равишда амалга оширилаётган олди-сотида ишга чек қўйилди.

Қонунбузарликка йўл қўйган Қ.Ортиқов ва Ф.Усаровларга суд тоғмонидан тегишли тартибда жазо чоралари қўллангилди. Агар бир тоғмондан қарангиз, муаммо гўе шу билан ҳал бўлгандек кўринади. Бизни эса масаланинг бошқа тоғмони ўйлантиради.

Биринчидан, Қ.Ортиқов шунча ўзоқ ўлқаларга бориб ишлаб келган долларини нега банкдан, қонуний валюта алмаштириш шўбҳаларидан алмаштирмади? Агар шундай қилганда эди, унга тегишли 900 доллар жиноят қўро-

ли сифатида давлат фойдасига мусо-дара қилинмаган, ўзи ҳам жиноий жавобгарликка тортилмаган бўларди. Иккинчидан, Ф.Усаров нега кура-била туриб Қ.Ортиқовни жиноий йўл билан бойлик орттиришга ундади? Агар у харидор тоғиб беришини айтмаганда, эҳтимол Қ.Ортиқов қонун талаби даражасида иш тутган, яъни ўзига тегишли бўлган долларларни бахш орқали сўмга алмаштириб, оғиласини кам-қўстига ишлатган бўлармиди?

Биз юқорида бекорга сўзимизни ҳукукий демократик давлат ҳақидаги тушунчадан бошламадик. Чунки ҳукукий демократик давлат фуқаросини энг аввало қонунни билиши, уни ҳурмат қилиши ва ўз фаолиятида сўзсиз унга амал қилиши шарт. Бизнинг мақоламиз қаҳрамонлари эса суд жараёнида қонунни билмасликлари баҳона қилиб қўйишди. Лекин бу дегани қонунни билмаган фуқаро уни билиш мумкин, дегани эмас-ку. Қолаверса, қонунни билиш ҳар бир фуқаронинг жамият олдидаги бурчи.

Акмал НАЗАРОВ,
журналист

Истиқлол йилларида юртимизда қўллаб-қувватлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, шаҳар қишлоқларимиз қўли гўл бўндкорларнинг ҳиммати билан янгилаш чироғи очди. Дарҳақиқат, кўркам бинонининг ларнинг мухташам йўл ва кўприкларнинг қад ростлашга, бунёд этилишига улкан ҳисса

қўшаётган, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши йўлида ёзинг жазираси қишининг изгиринларида ҳам тиммай тер тўкаётган қурувчилар меҳнати ҳар қандай рағбат, таҳсинларга лойиқ.

— Қурувчи эгзу амал қилиши, — дейди 35 ёшли монтажчи Шўҳрат Шобилонов. — Мана ўн икки йилдирки, мени шу қасбим орқасидан ҳалол пул тоғиб, оила тебратиб келаямман. Қолаверса, бу менга ота

мерос қасб. Отам хизмат қўрсатган уста эдилар. У кишига хос бўлган шижоат, меҳнатсеварлик, юксак дид, қасбга муҳаббат мени ҳам бу қурувчиликни танлашимга сабаб бўлган. Ҳозир укам ҳам отамиз изидан бориб юртимизни обод қилиши йўлида меҳнат қилиб келаятир.

Пойтахтимизнинг Мовароуннаҳр қўчасида қурилиш жадал олиб борилаётган Ломоносов номлидаги Москва Давлат университетининг Тош-

кент филиали биносини қурувчилар истиқлолимизнинг ўн беш йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган мўлжаллашган. Бу объектда 12-трест оқиқ акциядорлик жамияти қошидаги 65-қурилиш бошқармасининг етти юзга яқин ишчилари уч сменада меҳнат қилишаётир. Таъкидлаш жоизки, мазкур университетнинг Тошкент шаҳридаги филиали опти блок — маъмурий бино (4-қаватли), унга ўқув биноси (3-қаватли), умумий бино (3-қаватли) ҳамда спорт зали ва уч юз кишига мўлжалланган тоғмоша залини ўз ичига олган 2-қаватли бинолардан иборат. Айни пайтда умумий майдони 2,2 гектарини ташкил этувчи мазкур мажмуада пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

— Қурувчилик қасбни танлаганимдан жуда фахрланаман, — дейди гишт терувчи Соҳиб Ҳамраев. — Авваллари бу қасб эгаларига ўнчалик менсимай қараларди, мустақиллик туғайли қурувчининг қадри ошди, мартабаси юксалди.

Ҳозир ҳақиқат, ушбу қасбда меҳнат қилиш қанчалик машаққатли бўлмасин, бу қасб эгаси эл-юрт олдида чинакам эъзоз ва ҳурматга муносибдир.

Сарвар ўРМОМОВ
(ЎЗА) олган суратлар

Ғамхўрлик

Таҳририятга хат келди

ЎЗ УЙИМГА КИРОЛМАСАМ...

Ғафҳар СОРИЕВА,
Қўшработ тумани

Мен ёлғиз аёлман, уч нафар норасида болам билан Қўшработ тумани «Зармитан» фуқаролар йиғинига қарашли Қурсий қишлоғида, онамизда яшайман. 2002 йилнинг июни ойида «Заркент» қўғонидида 12-уй б-хонадонини Абдуваҳид Даллоевдан қонуний тарзда сотиб олдим. Фарзандларим ҳали ёш бўлганлиги сабабли қариндошларим масхарага билан бу уйга кўчиб ўтмадим. Бу орада, аниқроғи, 2003 йил 5 февраль кунини Жамил Шосимова ва унинг турмуш ўртоғи Акбар Назаров вақтинча яшаш учун «Заркент» қўғонидидаги уйимни ижарага беришини сўраб қўйишмади. Қайта-қайта илтимос қилганимизга, нолқоқ қўғониди. Беш кун ўтган улар билан электр энергияси ва табиий газ тўловларини тўлашга ўзаро келишиб, уй қилини бердим. Бу ҳақда хатто тилхат ҳам ёзиб беришди. Лекин...

Орадан бир ярим йилча вақт ўтди. Утган йилнинг август ойида Ж. Шосимова ва А. Назаровга бир йиллик ижара ҳақини беришлари кераклигини ҳамда шу ойнинг охирида уйимга ўзим кўчиб келишимни айтдим. Бу гапларим уларга ёқмади, шекилли жанжаллашиб, менга таи ҳароҳати етказишди. Бу Қўшработ туман жиноий ишлар суди тоғмонидан ҳолис баҳоланди. Лекин ижарачилар бундан ҳам тўғри ҳулоса чиқаришмади. Қайта-қайта илтимос қилсам ҳам уйимни бўшатиб беришмади. Шундан кейин, фуқаролик ишлари бўйича Иш-тиҳон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилдим. 2005 йил 31 декабрда суд Ж. Шосимова ва А. Назаровларни уйимдан мажбурий тарзда чиқариш тўғрисида ҳал қилув қарорини

эълон қилди. Буни қарангки, Қўшработ туман суд ижрочилари бўлиш-мас суднинг бу қарорини икки ой давомида ижро этмади. Ниҳоят, елиб-югурилларимдан сўнг, 31 декабрь кунини Ж. Шосимова ва А. Назаров мажбуран уйимдан чиқаришди.

Ижарачиларнинг қўғонликлари шу билан тўғамди. Суд қарори ижро қилинган кун — 31 декабрь байрам бўлганлиги учун бор жиҳозларимни уйимга қиритиб, онамизга кетдим. Жамил Шосимова ва унинг турмуш ўртоғи менинг йўлқўлдан фойдаланиб, эшикни бўзиб яна уйга қириб олишди. Айтинг-чи, бунини дема баҳолаш мумкин: безориликми, босқинчилик ёки...

Мана, орадан саккиз ой вақт ўтганлиги ҳамки, ўз уйимга ўзим қиролмай қарсонман. Шу вақтгача бормаган эҳтишам, мурожаат қилмаган ташкилотим қолмади, ҳисоб. Туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, ҳатто суд ижрочилари Самарқанд вилоят бўлими мутасаддиларидан ҳеч бир амалий ёрдам бўлмади. Суд ижрочилари: «Биз бир марта ижро этганмиз. Суд қарори ўз қўлида бўлса ҳам қайта тикланмайди, шунинг учун туман ИИБга мурожаат қилинг» дейишди. Шу йилнинг 26 апрель кунини туман ички ишлар бўлими тоғмонидан менинг номимга жўнатишган хабарномада эса шундай дейилади: «...ёзган аризангиз бўйича тергов олди суриштирув ҳаракатлари олиб борилиб, Шосимова Жамил ва Назаров Акбарларнинг ҳатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли жиноят иши қўзғатишдан рад этилди». Ажабо, бировнинг уйига эҳтишини бўзиб қириниб олишса-ку, бундай қимсаларнинг қилиши ҳуқуқий баҳосини олмасан! Бу саволга вилоят мутасаддилари жавоб беришар, балким...

ЭКОТУРИЗМ
ИМКОНИЯТЛАРИБУХОРО (ЎЗА мухбири
Э.Эдгоров). Вилоят марказидаги
Сомонийлар богида «Экотуризм»
барқарор ривожланиш йўлида» ши-
ори остида экофестиваль ўтказилди.

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти, «Бухоротуризм» ҳўсдорлик жамияти, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳудудий бўлими, вилоят табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда хориж ва мамлакатимиз сайёҳларининг «Жайрон» экомарказига экскурсияларини уюштириш, Денгизқўл, Қорақир, Тўдақўл ва бошқа ҳавзалар бўйида туристик инфратузилмаларни барпо этиш масалалари муҳокама этилди.

Фестиваль қатнашчиларига «Қўзил китоб»га қиритилган ноёб жайрон, от ва қўлонлар қўпайтирилган «Жайрон» экомаркази ходимлари, ҳўсий сайёҳлик фирмалари ҳамда Бухоро туризм коллежи талабалари тоғмонидан таъйинланган қўғазма намоийш қилинди.

Ҳалим ўРИНОВ,
вилоят прокуратураси бўлими боғлиғи,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Инсон табиати тизгинсиз. Баъзан у нафс қўйига тушса шайтоннинг изидан чиқа олмайдми. Нафс элдан устун келган жойда шаксиз қаноат девори емирила бошлайди. Давлат тижорат Халқ банки Олот тумани филиали бошқарувчиси вазифасида ишлаб келган Л.Панжиев нафсига эрк берганда оқибатини ўйламади. У қўл остида ишлайдиган ходимлари М.Гадоева, У.Сапарова билан жиноий тил бириктириб

бойингандан бойиб кетишини оруз қилди.

2005 йилнинг февраль ойида туман божхона назоратидан ўтказиш комплекси ходимлари тоғмонидан вақтинча сақлаб туриш учун фуқаролардан олган ва мусодара қилинган олган бўлган АҚШ долларлари солинган халтачалар банк ҳазинасига келтирилганда унинг қўғида гаразли ният туғилди. Шайтон қўқуси тинччини бузди.

Ходиммаси М.Гадоевни қажиртириб бошқик сифатида «тоғширик» берди.

Бугунги анави келган «қўқ»дан



тажрибали қурувчилари меҳнат қилишмоқда. Республикада ягона ҳисобланган мазкур бўлими юрти қўғина қўлайликлари билан бошқа коллежлардан фарқ қилади. Сабоби, бу ерда ногиронлар учун

алоҳида шарт-шароитлар яратилиш лозим. Ётоқхона, махсус спорт зали, ошхона ва юқори қаватларга қўғина қўлайликлари билан бошқа коллежлардан фарқ қилади. Сабоби, бу ерда ногиронлар учун

БАНКДАН ЎМАРИЛГАН «ДОЛЛАР»ЛАР

11 мингини менга келтириб беринг.

М.Гадоева Л.Панжиевга: «Ахир бу қонунга ҳилоф-ку, муқрланган халтачаларини қандай қилиб очаман», демоқчи бўлди-ю, аммо бошқик фикрига эътироз билдириш. М.Гадоева 11860 АҚШ долларини бераётганида банк бошқарувчиси унинг қўғида келганларини сездди, шекилли «уч кундан кейин қайтараман», дея ҳодимини тинчлантирган бўлди. Шундай қилиб, жиноий ҳаракатларини яшириш мақсадида хал-

тачалардаги АҚШ долларлари серияси, рақами ва қийматлари ёзилган руҳхатлар узарттирилиб, божхона халтачаларининг имзолари қалбақлаш-тирилиб, ўша даврда қиймати 13 миллион 315 минг 459 сўм 20 тингига тенг бўлган 11860 АҚШ долларини ишлатиб юборилди.

Л.Панжиевнинг нафси бу билан қониқмади. Бошқик кейинги гал Урингул Сапаровага «тоғширик» берди. Сапарова ҳам бошқикни раҳлат уйқусидан уйғотиш ўрнига, пом-

ним демай 33743 АҚШ долларини келтириб берди.

«Қўқ»нинг ишмасида ўзини унутган Панжиев 3 кундан кейин эмас, қонуннинг темир панжасига илин-гунга қадар банкка тегишли «омонат»ни келтириб бермади.

Бойлик орттириш йўлида раҳбарлик масъулияти, мажбурият ҳисси, бурчини унутган Л.Панжиев ЖКнинг 167-ва 209-моддаси тегишли банди билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Мехр-мурувват

ТАЛАБАЛАР ҲОРДИК МАСКАНИ

Шавкат СУЛТОНОВ

Яккабоғ туманининг Нугайли қишлоғидаги атрофи дов-дархалар билан ўралган сули оромгоҳ болажонларнинг қадрдон гўшасига айланган. Ҳар йили ўқув юрларида ёзи таътил бошлангани билан бу маскан болаларнинг шодон қий-қувви билан тўлиб-тошади.

Қашқадарё вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидоги бу оромгоҳда таъилдаги таълим муассасаларининг ҳам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож талабалари дам олиб, саломатликларини тиклайди. Бошқарма бошлигининг ўринбосари Ғофир Узоқовнинг таклифи билан бу ерда бўлинишида ўқил-қизлар мириқиб ҳордиқ чикараётганининг гувоҳи бўлиди.

— Ҳуш келибсизлар, — дея очик чехра билан қарши олган оромгоҳ раҳбари Гулнора Ҳакимова бизни спорт мусобақалари ўтказилаётган майдон сари бошлади.

Бир ёни Турнабулоқ дарёсига туташиб кетган гўзал табиат бағрида спорт мусобақаларида иштирок этаётган талабаларнинг ҳаракатларига разм солаемиз. Волейбол, футбол ўйинларини

мароқ билан давом эттираётган, стол тенниси, шахмат, шашка мусобақаларида иштирок этаётган талаба ёшларнинг қувончи чексиз.

Мусобақа тугаб, голиблар тақдирланди. Дарёнинг зилот сувиға ювниб олган талабалар тушликка чиқишди. Бош етакчи Музаффар Мустафоев болаларни гуруҳларга жойлаштириб қайтгандан сўнг, сўхбатимизга қўшилди.

— Бошқарма томонидан йўлланма билан келаётган ёш талабалар 15 кун давомида ҳордиқ чикаришади. Бу йилги соғломлаштириш мавсумида 600 нафар ёшларнинг ором олиши режалаштирилган. Уларнинг ҳар бир кунини мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Дарвоқе, оромгоҳда «Қасбим-факрим», «Буюк сиймолар», «Мехр кунда керак», «Табиати асранг» мавзуларида ўтказилаётган тадбирлар дам олувчиларда катта таассурот қолдиришмоқда. Шунингдек, тасвирий санъат, мусика тўғрисидаги ишлар турибди. Тарбиячи ва тўғрарак раҳбарлари ҳар бир машғулоти мукамал ўтишини таъминлаётдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, талабаларнинг аксарият қисми Мехрибонлик уйларида тарбияланиб,

сўнг ўқув масканларида таълим олаётган ўқил-қизлар. Уларнинг яхши ўқиб, келгусида етук мутахассислар бўлиб етишиши учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

— Мен Қарши қирилиш касб-хунар коллежида таълим оламан, — дейди Шухрат Абдурахмонов. — Тақдир менга ота-она тарбиясини олишни насиб этмаган бўлса-да, атрофимдаги меҳридор ёшларнинг борлиги туфайли камчиликсиз ўсаяман. Бизларга қалб кўрини, меҳрини бера олган тарбиячилардан миннатдорман.

Дунёда эзгу ва савобли ишлардан-да улгурок фазилат йўқ. Зеро, бир кунлик савоб минг маротаба Маккага зиёрат қилган билан баробар, дейишди. Айтаганча, оромгоҳдан қайтар эканмиз, ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган айрим муаммолар хусусида ҳам тўхталишни лозим топдик. Мамлакатимизда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг якуний босқичига киришилди. Бунёд этилаётган замонавий таълим муассасаларида ёшларнинг пухта билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Шундай экан, оромгоҳда янада қулай шароитлар яратиш мақсадида қўшимча бинолар қуриш нур устига нур бўлар эди.

ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Яна бир неча кундан кейин миллий терма жамоамиз қўтба чемпионати саралаш баҳсларини давом эттириб, Аниқроғи, 16 август кунини Гонконг терма жамоасига қарши майдонга тушади. Ўшбу муҳим ўйинга вакилларимиз тайёргарлиқни бошлаб юборишди.

Ўтган ҳафтада эълон қилинган миллий терма жамоа таркибидан анча кўп — 37 нафар футболчи ўрин олган. Гап шундаки, бош мураббий Валерий Непомнящий бу йилгида ҳам миллий терма жамоа, ҳам Олимпия жамоамизга номзод футболчиларни саноудан ўтказишни мақбул деб топган. Йилги жалб этилганларнинг 12 нафарини Россия, Украина ва Қозоғистон клубларида тўп сураётган легионерлар ташкил этади. Булар дарвозабон Евгений Сафонов, ҳимоячилар — Андрей Федоров, Бахтиёр Ашурматов, Алексей Николаев, Владимир Радкевич, ярим ҳимоячилар — Виталий Денисов, Леонид Кошлов, Виктор Карпенко, Марат Бикматов, ҳужумчилар — Мақом Шайқих, Улугбек Бақоев, Александр Гейнрих. Миллий чемпионатимиз вакиллари 25 нафар, уларнинг энг кўпи «Пахтакор»чилардир. Шунингдек, йилги «Насас», «Нефтичи», «Навбахор», «Бухоро», «Сўғдиёна», «Самарқанд-Д» ва «Локомотив» жамоаларидан ҳам футболчилар тақлиф қилинган.

Спорт

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривохлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент вилоятида ҳам ёшларнинг оммавий спорт билан шугулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

— Айти пайтда вилоят халқ таълими тизимида 889 та умумтаълим мактаби, 33 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда битта мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда, — дейди Болалар спортини ривохлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари В.Мураткин. — Мазкур мактабларда элликта стадион, 624 та спорт зали, 16 сузиш ҳавзаси, 32 теннис корти, баскетбол, волейбол, футбол, енгил атлетика майдонлари мавжуд.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида икки мингдан зиёд спорт секцияси ташкил этилди. Уларда олти ешдан 17 ёшгача бўлган икки юз минг нафардан ортққ ўқил-қиз дарсдан ташқари пайтда мунтазам шугулланиб келмоқда. Жамғарма томонидан вилоятда 2003-2005 йилларда ўн саккизта болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Улардаги уч юздан ортққ спорт тўғрисидаги йигирма минг нафардан зиёд ўқувчи жалб этилган.

Жорий йилда вилоятда иккита

янги мактаб фойдаланишга топширилди, учта мактаб капитал реконструкция қилинмоқда ва олти та мактаб спорт залларида қурилиш-таъмирлаш ишлари низоҳасига етказилмоқда. Бу ишларга бир миллион сўмдан ортққ маблағ ажратилган. Тендер савдолари натижасида тежалган эллик миллион сўмдан ортққроқ маблағ ҳисобидан Паркент туманидаги иккита спорт мажмуасида реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда вилоятда болалар спортини ривохлантириш ва унинг моддий техник базасини мустақамлаш мақсадида ҳам аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, ўтган йили фойдаланишга топширилган Ангрен, Бекобод шаҳарлари ҳамда Чинёз, Қўйи Чирчиқ туманларидаги бешта мактаб спорт залларига 37 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Жорий йилда болаларнинг ёзи таътил кунларини мароқли ўтказишлари таъминлашга жиддий эътибор қаратилляпти. Хусусан, спорт тадбирларини ташкил этиш учун вилоятдаги ўн тўртта ёзи ва ўн бешта соғломлаштириш оромгоҳи ўн миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Мамлакатимизда болалар спортини, умуман спортни ривохлантириш борасида амалга оширилаётган бундай улкан ишлардан асосий мақсад келажакимиз ворислари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Мулоҳаза

ТАРБИЯ ТАҚДИРНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Қаҳрамон СУЯРОВ, ТВДНН ўқитувчиси

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилаётган бир пайтда болаларнинг таълим-тарбияси нафақат педагог-ўқитувчилар, балки ота-оналарнинг, маҳалла фаолларининг ҳам зиммасидаги бурчдир. Зеро, ҳар бир ўсмирнинг шахс сифатида шаклланишида биологик омиллардан ташқари, атроф-муҳитнинг ҳам таъсири жуда муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизда «Қуш уясида қўрғанини қилади», деган ҳикмат бор. Шу маънода, болага тарбия бериш жараёнида йўл қўйилган биргина хато кейинчалик бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ота-онанинг бефарқлиги туфайли бола бекор вақтини мазмунли ўтказишни билмас, унга бу борада йўл кўрсатишга, бекорчиликдан зериккан фарзандда жиноятчилик қўчасига кириб кетиш «имкони» бўлади. Педагог сифатида камини шундай аянчли воқеаларга гувоҳ бўлганман. Шу жиҳатдан инсон тарбияси унинг тақдирини белгилайди, деган доно фикрга тўла-тўқис қўшилмоқ даркор.

Фарзанд тарбияси барча замонларда энг нозик ва долзарб вазифа

бўлиб келганки, айниқса, турфа ахборотлар оқими кенг ёйилган ҳозирги даврда ота-оналар оқилоналик ва эҳтиёткорлик билан иш туташлари лозим. Оқдан қорани ажратолмайдиган болага, аввало, яхши билим олиши учун имконият яратиш, у ўқийдиган ва яшайдиган жойдаги тенгдош дўстлари ҳақида ҳақиқат тўлиқ маълумотга эга бўлиш, лозим топилса, уларнинг феъл-атвор, қизиқиш ҳамда хоҳишлари билан қизиқиш, шу билан бирга, мойиллиги бор йўналишдаги ўқув курсларида ўқитиш ота-онанинг бурчидир.

Хатто баъзи ҳамкасбларнинг фикрича, бутунги тарбиячи тарбияланувчисининг эшитаётган мусикасига, ўқийдиган китобига ҳам эътибор бериши лозим. Лекин бундай эътибор бериш назоратга, мажбуриятга айланишга қарайди. Чунки ҳаддан ташқари кўп кузатиш, назорат қилиш ва қаттиққўллик фарзандда ота-онанинг кўрсатмаларидан бе-зиш ҳолатини юзага келтиради. Оқибатда оқилона маслаҳатлар ҳам тескари натижа бериши мумкин. Умуман эса, тарбиянинг энг самарали усулларида бири, ўрнатқ бўлишидир. Маънавияти кайшоқ кимсанинг маънавий гапи ҳам қоронғуга отилган тошдай бефойдадир.

ФЕСТИВАЛЬ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий курғазмалар зағида шу йилнинг 15 августидан 25 августигача бўлиб ўтгадиган «Навқирон Ўзбекистон-2006» аънавий ва замонавий санъат фестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидланганидек, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилаётган мазкур фестиваль «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан иккинчи марта ўтказилмоқда. Илк бор Тошкент шаҳрида 2004 йилнинг сентябрь ойида муваффақият билан ўтказилган фестивалда юзлаб ёш раҳбарлар иштирок этганди.

«Навқирон Ўзбекистон-2006» фестивалида иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 16 ешдан 35 ёшгача бўлган муқолам соҳиблари жалб этилди. Тадбирга ранг-тасвир, графика, хайкалтарошлик, дизайн, бадий фото, видео-арт, инсталляция, кулолчилик, чин-нисозлик, қандакорлик, ёгон ва ганн ўймакорлиги каби йўналишлар бўйича ишлар танлаб олинди.

Энг яхши асарлар учун дебют, ўзига хослик ва замонавийлик, маданиятлар мулоқоти, концептуал замонавий лойиҳалар, сулопалар бўйича соҳибларнинг санъатда аънавий мактабни сақлаш, замонавий санъатда инновацион лойиҳалар сингаги номиниациялар бўйича соҳиблар белгиланган. Фестивалда ҳозирдагача икки юз нафардан зиёд ёш ижодкор ўзининг мингта яқин ижодий ишини тақдим этди.

ЎЗА

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

МАРКАЗ ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ



Тошкент шаҳар Перинатал маркази бундан ўн йил олдин ташкил этилган. 12 бўлимдан иборат тиббий муассасада айти пайтда унлаб юқори малакали шифокорлар хизмат қилишмоқда.

Перинатал марказида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Чунки, бу йил марказнинг гинекология, реанимация, тугрук бўлимлари сифатли таъмирдан чиқарилиди. Реанимация бўлими мебеллар тўлмаси билан жиҳозланиб, сўнгги нусадада 2 та компьютер олинди. Эътиборлиси, бу ишларнинг барчаси ҳомийлар кўмағида амалга оши-

рилди. Шунингдек, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан жаррохлик бўлими замонавий тиббий анжомлар билан таъминланди.

Шифохона ҳодимлари аҳолининг, айниқса хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшиб келишмоқда. Шу мақсадда репродуктив саломатлик, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, тўғма ногиронлиқнинг олдини олиш каби мавзуларда учрашувлар, давра сўхбатлари ва семинарлар ўтказилиб келинапти.

Суратларда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.

Психолог маслаҳати

РУҲИЯТ САБОҚЛАРИ

Феруза АКРАМОВА, психолог фақлари номзоли

Ҳар бир одам табиатнинг бир бўлаги. Шунинг учун ҳам йил фасллари инсон психологиясига ихобий ёки салбий таъсир этади. Бу ҳаракатчанлик, сергайратилик билан бирга ҳолсизланиш, асабийлашиш, бош оғриги, артериал босимнинг ошиши-камийиши, дармонсизланиш каби белгиларда намоён бўлади. Бироқ, нима бўлганда ҳам, инсон ўзининг руҳий ҳолатини бошқара олиши лозим. Бунинг учун қуйидаги маслаҳатларни тавсия этаемиз:

— ҳар бир киши ўз севаган одамлари, касби, машғулоти бўлишига эришиш;

— ҳаётни, биринчи галда ўзини севишга ўргатиш, ўзига нисбатан ишонч туйғулини шакллантириш олиш;

— ўз организмиди йилнинг қайси фаслида кўтаришмлик, қайси-сидида тушқунлик бўлишини кузатиш ва шунга кўра ҳаёт тарзини ташкил этиш.

Ҳозир ўлкамизда айти ёз — пишиқчилик фасли. Ёзда кишилар психологиясида айрим ўзгаришлар кузатилади. Аввало, жисмоний меҳнат кишилари, хусусан, деҳқонларда эрта уйғониш, шиҳоаткорлик, тадбиркорлик, ҳаракатчанлик, қатъиятлик каби шахсий фазилатлар уйғонади. Бу пайтда саломатлик ва ҳаловатни ўйлаш, ўзларини аяш каби шахсий омиллар вақтинча четга суриб қўйилади. Чунки ёзнинг ҳар бир кунини уларнинг ердан оладиган даромадига таъсир кўрсатади. Иккинчидан, ақлий меҳнат кишилари (хизматчи, ўқитувчи, ўқувчи)да ёз

фаслида дам олишга руҳий тайёргарлик шаклланади. Шунинг учун иссиқ об-ҳаво уларнинг жисмоний ҳолатига тез таъсир кўрсатади. Улар тезроқ дам олиш зарурлиги, берилиб ишлашдан кўра йўл-рўзор, маиший юмушларни бажариш маъқулроқ эканига ўзларини тайёрлашади. Бу тоифадагилар иш ёки ўқиш жойларида бирор ишга жалб этилса, улар бундан иқтисодий манфаат кўрсаларгина сифатли бажаришлари мумкин. Чунки уларда бу даврда «ҳамма дам оляпти-ку, мен ҳам дам олишим керак» деган ёндошув шаклланади. Учқинчидан, ёз фасли инсонларнинг ёш ва жинс тоифаларига ҳам таъсир этади. Болалар ва ўсмирлар аксарият ҳолларда ўйинни, дам олишни афзал деб билсалар, ёши катталар, айниқса аёллар бирор зарур юмушни қилиш, масалан рўзгорда қишга ҳозирлик кўриш кераклиги тўғрисида қайғуришади. Ишчи бажармагунча уларда агрессив хулқ, яъни турмуш ўртоғи билан жанжаллашиш, фарзандларини қойиш каби хулқ-атвор намоён бўлади.

Тадқиқотлардан кўринадики, инсонда юз бериши мумкин бўлган ўз жонига қасд қилиш ҳолати ҳам мавсумий характерга эга. Фасллар алмашинуви, айниқса, баҳор фаслида организмдаги тақчиллик ва ҳиссий ўзгаришлар бунга сабаб бўлади. Чунки одамдаги руҳий тангликнинг қучлироқ ифодаланиши танада ҳолсизланиш, дармонсизланишнинг асоратини кўрсатади. Бундай пайтда уларга ташқи муҳит ва ўзаро муносибатлардаги айрим омиллар тез таъсир этади, бардошларини сусайтиради. Оқибатда суицид (ўз жонига қасд қилиш) юзага келиши айти баҳор ва куз фаслларида кузатилади.

Долзарб мавзу

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

Чекиш инсон саломатлигининг, умрининг заволи экани барчага маълум. Колаверса, арокчинг хидига чидаш мумкинлиги, бироқ тамаки хидига чидаш қийин, унинг зиёни чеккандагидан кўра ортққир. Бу иллатга биров ҳавас, бошқа биров турмуш тақозоси билан ўрганиб қолади. Бир танишимнинг бирин-кетин отаси, онаси вафот этди. Мусибатга тушиб юрганида бахтоз тасодиф туфайли ёлғиз қиз ҳалок бўлди. Умрида қўлига сига-рет ушламаган биродаримиз қашқандалиқни одат қилди.

— Э-е, бу одат сизда йўқ эди-ку? — дедим бир кунини унинг буруқчилиб тутатиб ўтирганини кўриб. — Ака, ҳам-гусса бироз оғирлик қилди. Қаранг, бир йилда сочимга қиров тушди. Бу ёқда хотин-халажнинг йилгиси юрагини эзиб юборди. Дикқонафас бўлиб кетдим. Бир дўстим: «Аҳмаджон, бирозгина «тамаки»дан олиб тургин. Ҳар ҳолда мусибатни унуттирад» деди. Нима қилай, ўшанинг гапи билан «бу иш»га қўл урдим.

— Шайтоний маслаҳат берибди, — дедим. — Яхши эмас. Ижодкор одамсиз, нима қиласиз ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка зарар келтириб. Яхшиси, ижод билан банд бўлинг. Ҳаммаси изига тушиб кетади. Қирқ ёшда, хали Худо хоҳласа яна фарзандлар кўрасиз. Эл назарига тушган асарларингиз бор, улар сонини қўлайтиринг. Чекишни ташланг.

Албатта, чекишнинг зарари ҳақида жуда кўп ёзилган, гапирилган. Бироқ бу борадаги ташвиқотни ҳеч қачон сустирмастик даркор. Негаки, ҳозирги пайтга келиб

қашандалик ёшлар орасига кенг ёйилган, ҳатто аёллар ўртасида ҳам урфга айланиб бораётир.

Чекишнинг энг хатарли томони инсон соғлиғига етказадиган оғир асоратлари, тузалмас, қайта тиклаб бўлмас даражада киши организмидан ишдан чиқаришидир. Қашанда-ларда соч тўкилиши тезлашади, кўз гавҳари хиралашади. Чекувчилар орасида катаракта хасталиғи кўп учрайди. Улар кўп ҳолларда тери ракига мубтало бўлишади, эшитиш қобилияти сусаяди, тишлар саргайиб, яроқсиз ҳолга келади.

Сигарет тутуниди хатарли углерод оксид газини кўнга жуда осон сингади. Оқибатда гемоглобиннинг кислород етказиб бериш функцияси ўн беш фоизга камаяди. Суяклар мўрт бўлиб, арзиманган зарбадан синадиган бўлиб қолади.

Ҳозирги пайтда жаҳонда ўлим ҳодисасининг учдан бир қисми юрак-томир хасталиқлари билан боғлиқ. Қашанда-ларда гипертония ва қон томирларининг тикилиб қолиши оқибатида инфаркт ҳолатлари, меъда аялганлиши кўп учрайди. Айниқса, аёлларда чекиш оқибатида баъздан саратони, чақалоқларда эса турли хил салбий нуқсонлар пайдо бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қашандалик оқибатида оёқ артерия ва вена қон томирлари аялганлиги, кейинчалик гангренага айланади. Сигарет тутунидидаги канцероген моддалар саратон хасталигини келтириб чиқаради. Чекишиданларга қараганда чекувчилар 22 мартадан кўпроқ ўпка саратонига дучор бўлarkan. Тамаки тутунини таркибида 76 та тур-



ли хил кимёвий унсурлар бўлиб, уларнинг 22 таси инсон саломатлиғига зиён келтиради. Америка ва Ғарб давлатларида қашандалик одат тусига кирган. Аёллар орасида ҳам бу салбий одат авж олган. Ҳозирда ҳомилдор аёлларнинг чекиши фарзандлари нимжон, касалманд туғилишига сабаб бўлаётир.

Маълумотларга қараганда, айти пайтда Хитойда 350 миллион киши қашандаликка берилган экан. Мамлакатда ҳар йили 2 миллион киши узлуксиз чекиш оқибатида дунёдан кўз юммоқда. Хитой ҳукумати бу фожеани инобатга олиб, 2006 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган фабрикаларни ёпишга қарор қилди. Бундай қарорнинг қабул қилинишига бутунжаҳон соғлиқни сақлаш

ташкilotи берган маълумотлар асос бўлди.

Тун билан кун ўрин алмашинишдан толмаганидек, қуёш ҳам ўз нурини оламга таратиб толиқмайди. Умр ўткини, ҳаёт эса абдийдир. Ўша биродаримиз Аҳмаджон ҳақ гапларга қўлоқ тутиб, чекишни ташлади. Ҳидоят йўлига кирди. Яратқнинг инояти билан бир аjoyиб асар ёзди. Асарини китобхоналар хуш қаршилади. Тез фурсатда бу асар асосида яхшигина фильм сурагга олиниб, намоийш этилди, муаллифи танловда голиб, деб топилди. Бир йил ўтиб, Аҳмаджонга аёли бириўла эғиз ўғил туғди. Энди, аввало, сабр-қаноат ва меҳнат биродини ишлаб чиқарадиган ботқондан олиб чиқди. Қашандалик иллатидан халос этди. Бу ҳаётини мисол барча-мизга ибрат бўлгулиқдир.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгазининг ижтимоий-сийсий газетаси

Тахрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманийё АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона — 133-40-86
136-53-14
Факс — 133-40-86
Котибият — 136-55-96
Сийесат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Беҳбуд Ботиров
Навбатчи — Музаффар Абдушукуров
Саҳифаловчи — Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан қўчириб босиш фақат тахририят руҳсати билан амалга оширилади:
t — Мазкур белги остида тижорат мақоалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
• Босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буортма Г — 1000
Ҳажми — 4 босма табоқ
О